

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Муродов Жаҳонгир –
ТДИУ “Статистика” кафедраси
катта ўқитувчиси

Abstract: The article examines the scientific and theoretical foundations of the processes associated with the role of industrial zones in the development of innovative activities in agriculture. Conditions and opportunities for the placement of industrial zones for processing agricultural products, increasing the efficiency of activities are provided on a systematic basis. Scientific proposals and practical recommendations for enhancing the role of industrial zones in agriculture in ensuring the socio-economic development of regions have been formulated.

Keywords: agriculture, agrarian sector, manufacturing, innovation, innovative technology, innovation environment, indicator, information, quality.

Аннотация: В статье исследуются научно-теоретические основы процессов, связанных с ролью промышленных зон в развитии инновационной деятельности в сельском хозяйстве. Условия и возможности для размещения промышленных зон по переработке сельхозпродукции, повышению эффективности деятельности предоставляются на систематической основе. Сформулированы научные предложения и практические рекомендации по повышению роли промышленных зон в сельском хозяйстве в обеспечении социально-экономического развития регионов.

Ключевые слова: сельское хозяйство, аграрный сектор, производство, инновации, инновационные технологии, инновационная среда, индикатор, информация, качество.

Аннотация: Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришда sanoat зоналарининг ўрни билан боғлиқ жараёнларнинг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган sanoat зоналарини жойлаштириш, фаолият самарадорлигини оширишнинг шарт-шароитлари ва имкониятлари тизимли асосга келтирилган. Худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда қишлоқ хўжалигидаги sanoat зоналарининг ролини оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, аграр соҳа, ишлаб чиқариш, инновация, инновацион технология, инновацион муҳит, кўрсаткич, самарадорлик, сифат.

Кириш (Introduction). Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рақобатбардошликни оширишнинг бозор механизмлари ва дастакларини шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалиги тармоғида рақобатбардошликни ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, ҳар бир тармоқнинг рақобат устуворлиги ишлаб чиқаришнинг илмий-технологик даражаси, меҳнат ресурсларининг малакаси ва уларнинг янги билимлар ҳамда инновацияларга мослашиши орқали белгиланади [14]. Шу боисдан, республика

иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида аграр секторнинг тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш учун унинг тармоқларида инновацион фаолликни жадаллаштириш, замонавий агротехнологияларни изчиллик билан жорий этиш асосида самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк

келажимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлса, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”, деб таъкидлаганлар [1]. Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “... таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” [2] лозимлиги қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан республикамиз қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Шунинг баробарида қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш усуллари йўналишида чиқиш асосида самарадорликни белгиловчи барча кўрсаткичларни оптималлаштириш бўйича услубий ёндашув ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, улар асосида инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review).

Қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубиятини таҳлил қилишдан аввал, инновация ва инновацион жараён тушунчалари таърифининг адабиётлардаги қисқача шарҳини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Даставвал, инновациялар назариясини шаклланиши ва ривожланишига австриялик олим Й.Шумпетер катта ҳисса қўшган. 1930-йилларда Й. Шумпетер томонидан инновация тушунчаси киритилди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий характердаги қарорларни қўллаш оқибатида мумкин бўлган ўзгаришларни билдиради эди [13]. Шунингдек, ўзгаришлар

нуқтаи назаридан инновацияларга Ла Пьерре, Ю.Яковец, Ф.Валента, Л.Волдачкова ва бошқалар таъриф бериб, “инновация – бошланғич ҳолатдан янги ҳолатга ўтиш йўли билан хўжалик ички тузилмасида содир бўлган ҳар қандай ўзгариш” [14] ёки “ижодий ғоянинг ривожланиши ва уни тайёр маҳсулот, жараён ёки тизимга айланиши” [15] деб қарашади.

Э.Менсфельд, Б. Санто, Б.Твист ва бошқа хорижий олимлар томонидан инновация жараён сифатида талқин қилиниб, ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали ўз хусусиятларига кўра энг яхши маҳсулот ва технологияларнинг яратилишига олиб келадиган ижтимоий – техник-иқтисодий жараён, деб таъриф берилди [16, 17]. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу таърифларда ғоя ва кашфиётларнинг иқтисодий мазмунини изоҳловчи омилар ҳамда уларнинг манбалари кўрсатилмаганлиги туфайли инновация тушунчасининг тушунарсизроқ (ноаниқ) таърифланишига олиб келган. Инновацияларни татбиқ этишга давомийлиги 50-60 йил бўлган катта цикллар назариясини асослаб берган, конъюнктура циклларининг моделларини ишлаб чиққан олим Н.Д.Кондратьев катта ҳисса қўшган. У янги циклга ўтиш тўпланиб қолган ихтироларни жорий этиш учун шароит яратиш имконини берадиган капитал неъматлар захирасини кенгайтириш билан боғлиқ эканлигини исботлади. Н.Д. Кондратьев янги циклга ўтишни техника тараққиёти билан боғлаган: “Ҳар бир катта циклни кўтарувчи тўлқин бошланишидан олдин, баъзан эса унинг бошланиши билан жамиятнинг хўжалик ҳаёти шароитида анчагина ўзгаришлар кузатилади. Ушбу ўзгаришлар одатда у ёки бу комбинацияда, техникавий ихтиро ва кашфиётларда, ишлаб чиқариш ва айирбошлаш техникасидаги чуқур ўзгаришларда намоён бўлади”, – деб ёзади. Н.Д.Кондратьевнинг фикрича, жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларда фан-техника инновациялари муҳим роль ўйнайди [18].

Б.Б.Салимов тадқиқотлари жараёнида кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари ҳудудга жойлаштириладиган тадбиркорлик субъектларининг инновацион лойиҳалари самара-

дорлиги орқали баҳоланиши асослаб берилади[9]. Д.Г. Мамаджонов тадқиқотлари орқали иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самардорлигини оширишда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиладиган янги корхоналар ташкил этиш, импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тавсия этади [8].

Инновациялар иқтисодий самардорлигини таъминлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда, бир қатор Россиялик иқтисодчилар [10, 11] инновацияга “харажатлар тежалишини ёки бундай тежаш учун шароит яратилишини таъминловчи янги маҳсулот ёки хизмат, ишлаб чиқариш услуги, ташкилий, молиявий, илмий-тадқиқот ва бошқа соҳалардаги янгилик” сифатида қарашган. Мамлакатимиз иқтисодчиларининг тадқиқотларида “инновация” атамаси бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан кенг қўлланила бошлади. Аграр соҳани инновацион ривожлантириш муаммоларини ўрганган бир қатор иқтисодчи олимлар, жумладан, С.С. Ғуломов, Б.К. Ғойибназаров А.А. Абдуғаниев, Б.Т. Салимов, Ё.А. Абдуллаев, Н.Ҳайдаров, Ш.Мустафақулов ва бошқалар эътиборга молик муҳим илмий изланишларни олиб борганлар.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда инновация тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Инновация – бу қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараёни, маркетингнинг янги услубини, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги ташкилий услубни истеъмолга киритишдир.

Юқорида амалга оширилган хорижий ва миллий тадқиқотлар доирасида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш мумкин:

– ҳудудларнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодийетида инновацион фаолият самардорлигини тавсифловчи мезон асоси норматив кўрсаткичлар асосида шакллантирилади;

– ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини комплекс ва мутаносиб ривожлантириш орқали инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилмаган;

– ҳудудларнинг инновацион салоҳияти-

дан мақсадли фойдаланиш шарт-шароитлари ва имкониятлари билан боғлиқ тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнига эътибор берилмайди;

– ҳудудлар инновацион фаолият самардорлигини таъминлашда хусусий кўрсаткичлар таъсири ҳисобга олинмаган ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Илмий изланишнинг назарий ва услубий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуги ҳамда иқтисодийети ривожланган мамлакатларнинг ҳамда Республикамиз иқтисодчи олимларининг инновацион жараёнларга оид илмий ғоялари, назариялари хизмат қилди. Мақолада, ҳудудий қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг ўрни, индукция ва дедукция методлари орқали асослаб берилган. Шунингдек, статистик таҳлил ва тизимли таҳлил орқали саноат зоналарининг фаолият самардорлиги баҳоланган. Мантиқий абстракциялаш орқали ҳудудий инновацион фаолиятни ривожлантиришда саноат зоналарининг фаолиятини такомиллаштиришга доир умумий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи хусусий сектор вакилларининг жадал ривожланиш тенденцияси мазкур корхоналар томонидан амалга оширилган лойиҳалар ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштиришда банк кредитлари ва бошқа молиявий манбаларга таянади. Мисол учун, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 260,3 трлн. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 %ни ташкил қилди. Ўз навбатида, Республиканинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) таркибида мазкур тармоқнинг улуши 28,2 %ни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги умумий ҳажмининг 96,7 %и –деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,6 %и – ўрмон хўжалиги ва 0,7 %и – балиқчилик хўжалиги

ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида таҳлил этилганда, Республиканинг худудлари орасида энг юқори ҳажм Самарқанд (33 629 млрд. сўм), Андижон (27 117 млрд. сўм) ва Тошкент (25 815 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча, кам ҳажмга эга худудларга Сирдарё вилояти (8 689 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (10 444 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (11 900 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин.

Юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (105,6 %), Фарғона (104,8 %), Наманган (103,8 %), Қашқадарё (103,4 %), Навоий (103,2 %) ва Самарқанд (103,1 %) вилоятларида кузатилди. Бошқа худудлар билан солиштирганда Сирдарё (100,2 %), Жиззах (101,0 %) ва Бухоро (101,6 %) вилоятларида эса, аксинча, ўсиш суръатлари пастлиги қайд этилди.

Мазкур даврда жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 249,8 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,8% ниташкилетди. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 50,5 %ни ҳамда деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 49,5 %ни ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 68,0 %и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 27,8 %и – фермер хўжаликларига, 4,2 %и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

2020 йил якунлари бўйича дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7 566,6 минг тонна – дон экинлари (2019 йилнинг мос даври билан солиштирганда 101,7 %), 10 459,5 минг тонна – сабзавотлар (102,4 %), 3 143,5 минг тонна – картошка (101,7 %), 2 134,4 минг тонна – полиз экинлари (103,2 %), 2 864,0 минг тонна – мева ва резаворлар (104,0 %) ҳамда 1 639,2 минг тонна – узум (102,2 %) етиштирилди.

Шунингдек, мазкур даврда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 526,2 минг тонна – гўшт тирик вазнда (102,1 %), 11 009,9 минг тонна – сут (102,8 %), 7 825,0 млн. дона – тухум (100,7 %), 35,7 минг тонна – жун (101,5 %), 1 151,4 минг дона – қорақўл тери

(100,1 %) етиштирилди ва 144 085 тонна балиқ (118,4 %) овланди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар дон экинларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганлигини, картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут ҳамда тухум каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эса деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг юқори улушга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ушбу юқори кўрсаткичлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши борасида қабул қилинаётган қарорлардан самарали фойдаланиш таъминланаётганлигидан далолат беради. Аммо бу соҳада ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳали кўплиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион технология ва техникаларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнларини бошқаришнинг замонавий услубларини жадал равишда жорий этишни талаб қилмоқда. Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсадни кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатларидир. Инновацион фаолият, шунингдек, қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ҳам ўз ичига олади. Аграр соҳа инновацион фаолиятининг мақсади инновацион жараёнларнинг доимий ривожланишини таъминлаш, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда фан-техника натижалари (инновациялар)нинг узлуксиз оқимини ташкил этиш ва ўзлаштириш ҳисобланади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг доимий равишда техник-технологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиши рўй беради. Қишлоқ хўжалигининг ўсимликчилик тармоғида инновация сиёсати селекция услубларини такомиллаштиришни, қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳсулдор янги навларини яратишни, деҳқончилик ва уруғчиликнинг

илмий асосланган тизимларини ўзлаштиришни тақозо этади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Муаммони ўрганиш натижасида қуйидаги хулоса шакллантирилди:

1. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун ҳам кенг доирада банк кредитлари ажратиб келинмоқда. Бунда гаров сифатида келгуси ҳосил олинаётганлиги, маълум ҳолатларда кредитни қайтариш муддати ҳосил етиштириш муддати билан боғлиқ эмаслиги кредитлар қайтиши билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда.

2. Ҳозирда кластерлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун олинадиган банк кредитлари ҳосил етиштириш ёки вегетацион даврни инобатга олмасдан яхлит бир марталик маблағ кўришида ажратилиши кластерларни ҳам ортиқча кредит фоизларининг тўланишига ҳамда банкларнинг ресурслари маълум бир вақт банд бўлиб туришига олиб келади.

3. Қишлоқ хўжалигидаги саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларига давлат маблағларини субординар қарз қилиб бериш механизмини йўлга қўйиш ва бошқалар.

4. Саноат зоналари жойлашган ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этаётган тижорат банклари учун мажбурий заҳиралар меъёрини пасайтириши лозим.

5. Кластерларга кредитларни қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетацион даври ҳамда амалга оширилиши лозим бўладиган агротехник тадбирлар учун талаб этиладиган маблағнинг айнан мазкур маблағ зарур бўладиган кунда ажратилишига эришиш лозим. Бу ҳар томонлама мижоз ва банк учун фойдалидир. Яъни мижоз кредит учун ортиқча фоиз тўламайди, банк эса ортиқча ресурсни вақтинчалик бошқа йўналишларда сарфлаб даромад олишга эришади.

Албатта, юқорида санаб ўтилган вазифалар ва чақириқлар рўйхати етарлича кенг қамровли кўриниши мумкин. Бироқ уларнинг ечимлари тўла ҳаётий бўлиб, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишни тезлаштириш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар учун ўта муҳим.

Айни вақтда ишлаб чиқиладиган 2019–2030 йилларда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш миллий стратегияси мазкур соҳада Жаҳон банки гуруҳи ҳамда бошқа халқаро ҳамкорлар томонидан қўллаб-қувватланишга тайёр бўлган ислохотларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатга айланиши лозим. Унинг қабул қилиниши ва кейинчалик ҳукумат томонидан амалга оширилиши юқорида тилга олинган муаммоларни бартараф қилиш мамлакатни ривожлантириш ва Ўзбекистон халқи фаровонлигини ошириш учун иқтисодий имкониятларга айлантиришга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь.*

2. *Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сон фармони. 2017 йил 7 февраль.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармони. 2019 йил 23 октябрь.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори. 2020 йил 3 август.*

5. *Бердиқулов Қ.Ф. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган таркибий ўзгаришларнинг статистик таҳлили // Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 1–сон.*

6. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги авлод, 2012.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2020.
8. Мамаджонов Д.Г. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – № 3. Июнь. – Т., 2018.
9. Салимбов Б.Б. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – № 1. Январь-февраль. – Т., 2018.
10. Ионов М. Регулирование инвестиционной и инновационной деятельности / М.Ионов // Экономист. – М., 2013. – № 5. – С. 36-43.
11. Кулагин А., Логинов В. Структурные сдвиги и инновационный процесс / А.Кулагин, В.Логинов // Экономист. – М., 2013. – № 5. – С. 37-46.
12. Портер Е. Майкл. Конкуренция: пер.с англ / – М.: ИД «Вильямс», 2005. – 608 с.
13. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Юнити-ДАНА, 2001.
14. La-Pierre P.T. Social Change. – N.Y., 1965. – P. 107.
15. Видфильд П. Инновационные процессы как объект управления экономическим развитием. – М.: НИИЦ, 1993. – 236 с.
16. Санто Б. Инновация как средство экономического развития / – М.: Прогресс, 2012. – 296 с.
17. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989. – 281 с.
18. Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. Избранные труды. – М.: Экономика, 2013. – 767 с.
19. www.stat.uz – Ўз.Р. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.